

Бомдод намозини тарк қилганлар қандай зарар кўрадилар



09:00 / 13.05.2022 5851

1. Мунофиқликдан қутулиш дипломини қўлга кирита олмайди. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мунофиқларга энг оғир намоз хуфтон намози ва бомдод намозидир»**, деганлар.
2. Жаннатга киришнинг энг катта сабабидан маҳрум бўлади. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким икки совуқни ўқиса, жаннатга киради»**, деганлар.
Икки совуқдан мурод бомдод ва аср намозидир.
3. Дўзахдан нажот топишни қўлдан бой беради. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қуёш чиқишидан ва ботишидан олдин намоз ўқиган киши ҳаргиз дўзахга кирмайди»**, деганлар.

4. Аллоҳнинг инояти ва муҳофазасини қўлдан бой беради. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Кимки, бомдодни ўқиса у Аллоҳнинг зиммасида бўлади»**, деганлар.

5. Кечани ҳаммасини бедор ўтказиш мақомидан маҳрум бўлади. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким хуфтонни жамоат билан адо этса, кечанинг ярмини бедор ўтказган бўлади. Кимки, бомдодни жамоат билан адо этса, кечанинг ҳаммасида намоз ўқиб чиққандек бўлади»**, деганлар.

6. Фаришта билан кўришишдан маҳрум бўлади, исми уларнинг дафтарларидан тушиб қолади. Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Улар сизлар учун алмашиб, кетма-кет келиб турадилар. Кечаси бир хил фаришталар, кундузи бир хил фаришталар келади. Улар Бомдод ва Аср намозида жам бўладилар. Аллоҳнинг ҳузурига сиз билан тунни ўтказувчилар кўтарилганларида, улардан, Ўзи сизларнинг ҳолингизни жуда яхши билса ҳам:

- Бандаларимни қайси ҳолда тарк қилдингиз? - деб сўрайди.

Фаришталар:

- Уларнинг ҳузурига борганимизда, намоз ўқишаётган экан, уларни тарк қилганимизда ҳам намоз ўқишаётган эди, - дейишади», - деганлар».

Бошқа бир ҳадисда эса:

«Албатта, сиз билан бирга, сизни хало ва жимоъ пайтидан бошқа вақтда тарк этмайдиган зотлар бор. Бас, улардан ҳаё қилинглари ва уларни ҳурмат этинглари», - дейилган.

7. Қиёмат кундаги нур ва зиёдан маҳрум бўлади. Чунки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Зулматларда масжидларга юриб борувчиларга Қиёмат кундаги мукамал нурнинг хушхабарини беринг»**, деб марҳамат қилганлар.

Зулматлардан мурод бомдод ва хуфтон вақтидир.

8. Дунё ва ундаги нарсалардан афзал бўлган ажр савобдан маҳрум бўлади.

Чунки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бомдодонинг икки ракат (суннат)и дунё ва ундаги ҳамма нарсадан яхшидир»**, деганлар.

Бомдодонинг икки ракат суннатининг савоби шунчалик бўлса, фарзи ҳақида нима деб ўйлайсиз?!

9. Кўплаб яхшиликлар ва баракотлардан маҳрум бўлади. Чунки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар одамлар хуфтон намозида ва бомдод намозида нима борлигини (қандай яхшиликлар, баракотлар, ажру савоблар борлигини) билганида эди, у иккисига эмаклаб бўлса ҳам келган бўлар эди»**. деганлар.

Кун давомида оғир-оғир нарсаларни кўтара оладиган кўпчилигимиз бомдод вақтида устимиздаги кўрпани кўтара олмай қоламиз. Унутмайликки, намоз уйқудан афзалдир.

Аллоҳ таоло барчамизни намозларимизни ўз вақтида, жамоат билан масжидларда адо этишимизни насиб этсин, У зот Ўзининг ҳидоятдан айирмасин ва охиримизни офиятда қилсин.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Хуршид Маъруф тайёрлади